

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА МУВАШШАҲЛАРГА ДОИР АДАБИЙ МУНОЗАРЛАР

Муйдинова Арофатой Уриновна

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада мувашишаҳчилик анъанаси ва у билан боғлиқ адабий мунозаралар ҳақида сўз боради. Айрим уламоларнинг улуғ шоирлар ижодига нисбатан бирёқлама ноҳолис муносабатлари ва бунга уларнинг асосли жавобларини ёритишга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: мувашишаҳ, ғазал, мухаммас, оят, ҳадислар, мунозара, маҳорат.

PERIOD OF NATIONAL AWAKENING LITERARY DISCUSSIONS ON THE MUVASHSHAHISM IN UZBEK LITERATURE

Muydinova Arofatoy Urinova

Teacher of the Chirchik State Pedagogical Institute

Annotation. The article talks about the tradition of *muvashshah* and the literary discussions associated with it. Some scholars have tried to shed light on the one-sided biased attitudes towards the creations of the great poets and their justifiable responses to this.

Keywords: *muvashshah, gazal, muhammas, verse, hadiths, discussion, skill.*

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек адабиётида Феруз, Камий, Мискин, Ҳазиний, Муқимий, Муҳйи, Завқий, Зорий, Қорий, Рожий, Фурқат каби улуғ шоирлар мувашишаҳчиликда шуҳрат қозонишган Мувашишаҳлар, асосан, ғазал, мухаммас, мураббаъ, мусамман, мустаҳзод, рубоий, шунингдек, нома ва марсия каби жанрларда яратилган бўлиб, ҳар бир мисра, байт ёхуд бандининг бошланиш ҳарфларидан ном келиб чиқадиган тури машҳур бўлган.

Ўзбек миллий уйғониш адабиёти вакиллари яратган мувашшахлар адабиётшуносликда деярли тадқиқ этилган эмас. Шу боис уларни тадқиқ этиш шоирлар адабий-эстетик оламини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу давр ижодидаги мувашшахларни илмий асосда ўрганиш адабиёт тарихининг қоронғи жиҳатларини ёритишда муайян даражада хизмат қилади. Мақсуд Шайхзода, Азиз Қаюмов, Шариф Юсупов, Қўлдош Пардаев сингари олимларнинг бу мавзуга оид тадқиқотлари мувашшахнинг ўзига хос хусусиятларини ёритгани, унга доир мунозараларга ойдинлик киритгани жиҳатидан аҳамиятлидир.

Бу даврда мувашшахчилик анъанаси шу даражада оммалашганки, ҳатто, шоирлик ва назмчилик ҳунари мувашшахчиликдаги маҳорат билан ўлчангани манбаларда таъкидланади[4,91-92]. Бу ҳолнинг 1910 йилларда дастлаб “Ал-Ислоҳ” журналида, кейин эса бошқа вақтли нашрларда кўпгина мунозараларга сабаб бўлганлигини адабиётшунослар томонидан атрофлича ўрганиб, таҳлил қилинган. Мунозара журналнинг 1916 йилги 11-сонида “Ўратепали Мулла Баҳриддин тарафиндин саволлар” ташланиши билан бошланади [3,43]. Унда жамиятда рўй бераётган катта ижтимоий ҳодисалар замон шоирларининг ишқий ва ҳажвий шеърларига боғлиқ талқин этилади. Муаллиф матбуот нашрларида чоп этилаётган анъанавий адабиётга хос ошиқона шеърларни танқид қилади. Мулла Баҳриддин ушбу масалани бутун Туркистон уламолари эътиборига ҳавола қилади: “Ушбу замонамизда буюк-буюк шоирларимиз ўрталарина камоли тафаккур ва мулоҳаза илан ранжлар тортиб бир кимсани маъсум гўзал ўғли исмина “мувашшах” исмли шеър ёзибдур... шоирларимизи ушбу ишлари шариати изоми набавий ва мазҳаби муҳаззиби байзойи ҳанафийга нечукдур (жоизму ё жоиз эмасму?). Жоиз ўлган тақдирда мазкур маъсум бола ушбу алфозларни эшитиб ... ахлоқи бузилиб, баъзи ношоиста ишларга майл этиши шоён эмасму?(Ал-Ислоҳ,

1916, 11-сон.) [3,43] Шундан кейин бу масала миллат зиёлилари, уламолар ўртасида кенг муҳокама қилина бошлайди. Тошкентлик Мақсудхўжа муфти мазкур масала юзасидан қизгин баҳсга киришиб, “Ал-Ислоҳ”нинг бир неча сонларида мақолалар чоп этириб, ... замон шоирларининг ишқий мавзудаги мувашшаҳларини назарда тутиб, бу каби шеърларни ахлоқсизлик ва тубанлик манбаи сифатида талқин этади... Мақсудхўжа муфти бутун халққа ишқий ва ҳажвий шеърлар ёзиш ҳам, ундай шеърларни ўқиш ҳам гуноҳ деган фатво беради. Ана шундай давом этган қизгин баҳсга шоир Завқий ҳам қўшилади. У Мақсудхўжа муфтига жавобан кескин фикр билдириб, “Иштибоҳ” номли мақоласи билан чиқади. Завқий Мақсудхўжа муфти ва Мулла Баҳриддиннинг ишқий шеърлар ҳақидаги мулоҳаза-муҳокамаларининг нотўғри, фатвосининг асоссиз эканлигини айтиб, мунозарага киришади. У муфтига оят ва ҳадислар асосида жавоб беради. Ишқий шеърлар билан ахлоқсизлик ўртасида фарқ борлигини тушунтирмоқчи бўлади. У “мусулмон кишининг қилмишини текширмасдан туриб, гуноҳкорликда айблаш жоиз эмасдур” мазмунидаги ҳадиси шарифни келтириб, муфтининг фатвосини инкор этади... Завқийнинг бу мақоласи уламоларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлади [3,43]. Ўз чиқишларида замон шоирлари ижодини ҳимоя қилган Завқийга матбуот саҳифаларидан жой бермай қўйганларидан сўнг эса бевосита халқ оммасига, адабиётнинг ҳақиқий мухлиси эканлигини кўрсатишга киришади. “Афандилар” шеъри ана шундай воқелик ҳосиласидир. Шеърда мунозараларга мана бундай муносабат билдирилган:

Фарқ айламай яхши – ёмон,
Ким арпа – буғдой, ким – сомон,
Тухмат, ҳақоратлар ҳамон,
Не муддао, сиз афандилар.

Доим Муқимий, Фурқатий,
Ёдимда меҳру шафқати,
“Ислоҳ”да бошлаб тухмати,
Кўп норасосиз, афандилар.
Сидқийки, “Рафъи иштибоҳ”
Журналингизга бир гувоҳ,
Наъра урарким оҳ – воҳ,
Айланг даво сиз афандилар[3,47].

Мунозара ва баҳслар “Ал-Ислоҳ” журналининг бир неча сонларида, шунингдек, “Ойна”, “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон” каби нашрларда ҳам давом этади. Жумладан, Мирмуҳсин Шермухамедовнинг “Туркистон вилоятининг газети”да чоп этилган “Шоир жанобларига илтимос” номли мақоласида қайд этилишича, ишқий мавзудаги мувашшахлар жамиятга ҳеч қандай фойда келтирмайди, аксинча, зарари бор [1,45]. Шоир ёшларнинг одоб-ахлоққа оид китоблар ўрнига ахлоқни бузғувчи ошиқона мувашшахларни ўқиётганидан изтиробга тушади. Ҳожи Муин ҳам аввалроқ “Ойна”даги “Жавонбозлик сабаблари” мақоласида ўз даври адабий жараёни тўғрисида фикр юритиб, адабиёт нотўғри йўлдан бориб, халққа кутилган таъсирни эмас, акс таъсир кўрсатаётганидан шикоят қилган эди: “Шоирларнинг энг яхши ғазаллари бесоқол жавонларни мақтаб, исмларини мувашшах, яъни мисра ва байт бошига солгани ва шундай ғазалларни баъзи жавонларга пулга сотгани тўғри эмас” [3,52]. Унингча ҳам Туркистондаги зиддиятлар, маънавий таназзул маърифатсизлик, яъни ахлоқ бузувчи шеърлар таъсирида юзага келаётир.

Бу улуғ шоирларга нисбатан тухмат, бирёклама хулоса-айбномалар эканлиги, шубҳасиз. Бунга Ҳазиний Хўқандийнинг ишқи ҳақиқийни

тараннум этувчи мувашшаҳ-ғазаллар ёзганидан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Улуғ шоирлар ижодига нисбатан бундай асосиз айбловларнинг қўйилиши, уларни қаттиқ изтиробга солгани, табиий. Адабиётшунос олим А. Қаюмов Фурқат лирикаси тадқиқига бағишланган “Шеърят жилolari” қўлланмасида куюнчаклик билан шундай ёзади: “Агар баъзи мувашшаҳ ёзган назмбозлар бу шеърӣ шаклдан ғайри адабий, ғайри ахлоқий мақсадларда истифода этган бўлсалар, ундай шеърлар адабиёт ва илм доирасидан ташқаридадирлар. Бундай ҳолларнинг Фурқатдек улуғ мутафаккир шоирга ҳеч қандай алоқаси йўқ! Зотан, Фурқатнинг ибратомуз мисраларини ҳамиша хотирда сақламоқ даркор:

Таъна айлар билмайин бир неча бад андешалар,

Ишқ йўлида, бихамдуллоҳки, Фурқат покмен[5,45].

Шоир Фурқат ижоди мисолида айтилган бу фикрларни Муқимий, Муҳйи, Ҳазиний, Завқий каби барча улуғ шоирлар ижодига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жалолов А. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ривожланиш жараёни. Филол.фан.док... – Тошкент, 1993.
2. Мадаминов А. Завқий. – Тошкент, Шарқ, 2003.
3. Пардаев Қ. “Ал-Ислоҳ” ва XX аср бошлари ўзбек адабиёти. – Тошкент, “Маҳалла ва оила”, 2021.
4. Қаюмов А. Шеърят жилolari. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1997.
5. Муйдинова, А. (2021). ЎЗБЕК МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ АДАБИЁТИДА МУВАШШАҲЧИЛИК. Academic Research in Educational Sciences, 2(11), 1219-1224

6. Икрамов, Р. А., & Мўйдинов, Қ. А. (2021). ҲУҚУҚ ТИЛИ ВА НУТҚИ.
ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(9), 719-727.